2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

23 (573)

2007 йил 6 июнь

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК ҚУДРАТИНИНГ ЯНА БИР ТИМСОЛИ

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов 5 июнь куни пойтахтимиз Тошкент шаҳридаги Ҳазрати имом мажмуасида ниҳоясига етказилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида бу ерга ташриф буюрди.

Ушбу мажмуада ниҳоятда қисқа муддат — 4 ой мобайнида жуда катта бунёдкорлик, таъмирлаш ва кўкламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Бугун бу масканда салобат ва маҳобат тўкиб турган Ҳазрати имом жомеъ масжиди, Бароқхон мадрасаси, Мўйи муборак зиёратгоҳи, Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг янги биноси ва бошқа ноёб, бетакрор иморатлар ҳар қандай инсоннинг ҳам кўзини қувонтириб, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти ва яратувчилик даҳосини яна бир марта ёрқин намоён этади.

Қиёфаси тубдан ўзгариб, бутунлай янгича чирой касб этган бу масканга қадам қўяр экансиз, беихтиёр Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг «Бизнинг қудратимизни кўрмоқчи бўлганлар, биз барпо этган иморатларга боқсин!» — деган ҳаққоний сўзлари ёдга тушади.

Президент Ислом Каримов Ҳазрати имом мажмуасини кўздан кечирар экан, бундай улуғвор обидалар Оллоҳ таоло назари тушган муқаддас заминдагина бунёд этилишини, бу эса бизнинг маънавий илдизларимиз нақадар теран ва бақувват эканининг тасдиғидир, деб таъкидлади.

Мамлакатимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларида кенг кўламда амалга оширилаётган мана шундай эзгу ишлар Ўзбекистон давлати, ўзбек халқининг бугунги кунда қандай орзу-ният ва интилишлар билан яшаётганидан далолат беради.

Юртбошимиз ушбу мажмуани барпо этишда жонбозлик кўрсатган қурувчи ва муҳандислар, қўли гул усталар, шу савобли ишга ҳисса қўшган барча инсонлар меҳнатига юксак баҳо бериб, уларга халқимиз номидан миннатдорлик билдирди. «Бизнинг кўнглимиз ҳам, юзимиз ҳам ёруғ, иншоолло, келажагимиз ҳам ёруғ бўлади», — деди давлатимиз раҳбари пировардида.

/ ЎзА/

Халқимизга хос бунёдкорлик фазилатининг яна бир яққол намунаси — Жиззах шаҳридаги Зилол маҳалласида яқинда қуриб битказилган маҳалла гузари биноси.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) *йиғин раиси Анорвой Исоқов, участка нозири Баҳриддин Гулмирзаев, посбон Муzаффар Матмусаев ва маҳалла фаоллари Ҳудойберди Холмирзаев, Насиба Жавлоновалар.*

Р.Галиев олган сурат.

БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК НАМУНАСИ

"SOS Киндердорф интернешнл" халқаро жамияти президенти Хельмут Кутин бошчилигидаги "SOS Киндердорф интернешнл" халқаро жамияти ва Германиянинг Герман Гмайнер номидаги жамғармаси делегациясининг Ўзбекистонга ташрифидан мақсад "SOS-Тошкент болалар маҳаллалари" фаолияти билан танишиш ва Самарқандда етим болаларни оила шароитида тарбиялаш бўйича яна бир шундай ҳамжамият очилишида иштирок этишдир.

Мустақилликнинг илк кунларидан Ўзбекистон болалари соғлом, ҳар томонлама билимли, жисмонан ва маънавий етук бўлиб вояга етиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш Президент Ислом Каримов олиб бораётган сиёсатнинг энг муҳим устуворликларидан бирига айланди. Шу мақсадда бир қатор давлат дастурлари амалга оширилмоқда, миллий қонунчилик халқаро меъёрлар ва БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ҳисобга олган ҳолда мунтазам такомиллаштирилмоқда. Тақдир тақозоси билан ота-она меҳридан маҳрум бўлган болаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда амалиётда синалган энг яхши педагогик-тарбиявий технологиялар асосида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 декабрдаги қарорига кўра ""SOS-Ўзбекистон болалар маҳаллалари" уюшмаси ташкил этилди.

2000 йилда Тошкентда "SOS-Болалар маҳалласи"нинг ташкил этилиши уюшманинг биринчи лойиҳаси бўлди. Ҳозир бу ерда 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган 100 нафар бола яшамоқда, тарбияланмоқда ва ўз иқтидорини ривожлантирмоқда. Улар бу ерда ўз уйини, оиласини ва она меҳрини топди.

Маҳалла ҳудудида 14 та оилавий коттеж, болалар боғчаси, яхши жиҳозланган спорт ва ўйин майдончалари бор, кўплаб тўгараклар ва секциялар фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир икки қаватли коттежда тарбиячи-она ва оилага қабул қилинган турли ёшдаги бир неча бола яшайди. Улар хўжаликни ўзи юритади, дарс тайёрлаш ва турли маиший муаммоларни ҳал қилишда бир-бирига ёрдам беради. Бу ҳақиқий оила бўлиб, болалар оналарига айланган аёл, тутинган ака-сингиллари меҳрини ҳис этиб, ҳурмат ва эътибор муҳитида яшайди.

Хорижий делегация аъзолари Болалар маҳалласига ташриф буюриб, тарбиячи-оналар, болалар билан мулоқотда бўлди. Шундан сўнг матбуот анжумани ўтказилди. "SOS Киндердорф интернешнл" халқаро жамияти президенти Хельмут Кутин журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, жумладан, шундай деди:

— Бу каби болалар маҳаллалари биринчи марта 60 йил олдин Австрияда Герман Гмайнер томонидан ташкил этилган эди. Ҳозир унинг номидаги жамғармада бутун дунё бўйлаб бу ноёб моделни тарқатиш учун маблағлар тўпланади. Бугунги кунда бундай маҳаллалар 132 мамлакатда фаолият кўрсатмоқда. Бироқ, бу хайрли ишни молиявий қўллаб-қувватлаш энг муҳим масала эмас, асосийси, бутун жамиятнинг иштирокини таъминлаш зарур. Бир неча йил аввал болалар маҳалласи ташкил этили-

"SOS Киндердорф интернешнл" халқаро жамияти президенти Хельмут Кутин Тошкентдаги "SOS-Болалар маҳалласи" болалари даврасида.

ши муносабати билан Тошкентга келгандим. Ўшанда Президент Ислом Каримовнинг болаларга, улар ҳар томонлама ривожланиши учун қулай шароит яратишга қанчалик эътибор қаратаётганига ишонч ҳосил қилдим. Бу қийин, лекин жуда хайрли иш. Самарқандда болалар маҳаллаларини яратиш бўйича лойиҳанинг амалга оширилиши — мамлакатингизда болалар келажаги йўлида қилинаётган улкан ишларнинг яна бир намоёни бўлади.

Матбуот анжуманида сўзга чиққан "SOS Киндердорф интернешнл" халқаро жамияти бош котиби ўринбосари Михаел Пёлтл ва ушбу ташкилотнинг Марказий Осиё ва Кавказ минтақаси бўйича директори Зденко Седлар Ўзбекистонда Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишга қаратилган сиёсат изчил амалга оширилаётганини таъкидлади. Улар оила шаклидаги узоқ муддатли шафелик лойиҳаси мамлакатимизда ҳам давлат, ҳам аҳоли томонидан қўллаб-қувватланаётганини қайд этди.

Шундан сўнг "SOS Киндердорф интернешнл" халқаро жамияти делегацияси Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги "Гулистон" маҳалласида бўлиб, республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси ва БМТ Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ вакиллари билан оилани мустаҳкамлаш бўйича қўшма лойиҳанинг амалга оширилишини муҳокама қилди. Бугунги кунда 54 кам таъминланган ва кўп болали оила патронажга олинган. Бу оилалардаги ота-оналар ва болаларга зарур ҳуқуқий, тиббий, психологик-педагогик, хайрия ёрдами, ишга жойлашишда кўмак берилмоқда. Бундан ташқари, лойиҳа доирасида ижтимоий ходимларни тайёрлаш учун тренинглар ташкил этилган бўлиб, ходимлар унда олган билим ва тажрибаларини ўз маҳаллаларида қўллайди ҳамда келгуси Болалар маҳаллалари учун кадрлар захираси ҳисобланади.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

Тошкент шаҳри

Ташаббус

САХОВАТ ЎРНИДА САЁҲАТ

Маҳалламиз аёлларининг маънавий соҳадаги билимини ошириш мақсадида Ўзбекистон Тарихи Давлат музейига ташриф уюштирилди.

Музей маъмурияти томонидан ташкил қилинган тадбирда 48 нафар аёл тарихий экспонатларни томоша қилиб, давлатчилигимиз ўтмиши билан боғлиқ ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди. Шаҳардаги 8-автосарой раҳбарияти аёллар учун махсус автобус ажратиб, йўл харажатларини ўз зиммасига олди.

Тадбир аёлларимизда катта таассурот қолдирди. Бунинг учун музей маъмурияти ва бошқа ташкилотчилардан миннатдормиз.

Ижтимоий ҳимоя йилида юртимизнинг бой тарихий мероси билан маҳалладошларимизни янада кенгроқ таништириш мақсадида йиғинимиз томонидан бу каби хайрли ташаббусларни давом эттириб, 2750 йиллиги нишонланиш арафасида турган Самарқанд ва 2000 йиллик тарихга эга Марғилон шаҳарларига ҳам саёҳат уюштиришни кўзда тутганмиз.

Зухра МУСТАҚИМОВА,
Юнусобод туманидаги Чоштепа маҳалласи маслаҳатчиси.

Тошкент шаҳри

ТИНЧЛИК — ЭКОФЕСТИВАЛ ҒОЛИБИ

Кеча пойтахтимизда жойлашган Республика Давлат солиқ қўмитасининг спорт-соғломлаштириш мажмуасида 5 июнь — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни ҳамда "Экосан" халқаро ташкилотининг 15 йиллигига бағишлаб Экофестивал ташкил этилди.

Тадбир давомида фестивал қатнашчиларининг экспонатлари намойиш этилиб, Экология ва саломатлик кунлари доирасида ўтказилган республика кўрик-танловининг ғолиблари номи эълон қилинди. Танловнинг шаҳарлараро номинацияси бўйича Марғилон шаҳри, корхоналараро номинациясида Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ва ниҳоят, маҳаллалараро номинацияси бўйича Навоий вилояти Зарафшон шаҳридаги Тинчлик маҳалласи ғолиб деб топилди.

Ғолибларни аниқлашда шаҳар, корхона, маҳаллалар ҳудудидаги экологик муҳит ва аҳолига яратилган қулайликлар эътиборга олинди. Жумладан, Марғилон шаҳрини оладиган бўлсак, у ерда шаҳар аҳолисининг 90,8 фоизи тоза ичимлик суви ва 94,7 фоизи табиий газ билан тўлиқ таъминланган. Чиқиндиларнинг олиб кетилишида эса "сигнал" тизими йўлга қўйилган. Бунда коммунал тизими ходимлари, маҳалла фаоллари ва милиция нозирлари навбатчилик асосида чиқиндиларни олиб кетиш лозимлиги ҳақида тегишли ташкилотларга хабар бериб туришади. Бу каби шарт-шароитларни Тинчлик маҳалласи фуқаролар йиғинида ҳам кузатиш мумкин. Маҳаллада 35 та хонадон бўлиб, уларнинг ҳаммаси марказлашган тоза ичимлик суви билан таъминланган. Табиий бойликлардан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўймаслик учун 75 фоиз хонадонларда сув ўлчагичлар, 81,2 фоиз хонадонларда эса газ ўлчагичлар ўрнатилган. Маҳалла кўчалари тоза, саранжом-сариштa. Ободончилик ва кўкламзорлаштириш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводидаги шароитларга тўхталадиган бўлсак, бу ерда ишчи-хизматчиларнинг соғлиқларини тиклаш учун махсус даволаниш маскани мавжуд. Бундан ташқари, корхона энг сўнгги русумдаги ва муҳитга салбий таъсир кўрсатмайдиган замонавий ускуналар билан жиҳозланган.

Тадбир давомида ўзбек футболи фахрийлари ҳамда халқаро ташкилотлар вакилларидан иборат жамоалар ўртасида ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди. Мусобақа якунида ғолиблар тақдирланиб, эстрада юлдузлари иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

МУХБИРИМИЗ

Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига бағишлаб республикамизда "Экосан" халқаро ташкилоти ташаббуси билан хайрия ҳашари ўтказилди. Ҳашарда юртимизнинг 8 миллиондан зиёд аҳолиси иштирок этди. Ободонлаштириш ва тозалаш ишларига 9 минг дона техника воситалари жалб қилинди. 1000 километр узунликдаги ариқ-зовурлар тозаланиб, 1 миллион тупдан зиёд дарахт ва гул кўчатлари экилди.

ЭКОЛОГИК ҲАШАР

Экологик ҳашар тадбирлари пойтахтимиз ҳудудида жойлашган Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Ботаника боғида ҳам бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, жамоатчилик вакиллари қатнашиб, боғ ҳудудини янада ободонлаштиришга ўз ҳиссаларини қўшишди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоики, ҳашар нафақат корхона ва ташкилотларда, балки пойтахтимиздаги Хумоюн, Ўзбекистон, Аҳилобод, Янгиобод, Ракат, Қўрғонтепа, Бўстон маҳаллалари ҳамда "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳудудида ҳам уюшқоқлик асосида ўтди.

Миркарим МИРСОВУРОВ

Маҳалла ёшлари учун танлов

МАҲАЛЛАМИЗ ТАРИХИНИ ЎРГАНАЙЛИК

Маълумки, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ўз фаолиятини мамлакатимиздаги кўплаб давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб боради. Хусусан, "Камолот" ЁИҲ Марказий Кенгаши билан йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлик самараси ўлароқ мамлакатимизда «Маҳаллам тарихини ўрганаман» республика кўрик танлови ўтказиладиган бўлди. Бу ҳақда ҳар икки ташкилотнинг қўшма қарори имзоланиб, кўрик-танлов Низоми ишлаб чиқилди.

"Маҳаллам тарихини ўрганаман" кўрик-танлови "Қадриятлар бешигисан — азиз маҳаллам" шиори остида ўтказилиб, ундан кўзланган асосий мақсад маҳалла ёшларининг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, қолаверса, ёшларнинг ўзлари яшаётган маскан тарихи ва номланиш хусусиятларини ўрганишлари, мазмун-моҳиятини англашлари учун шароит яратишдан иборат. Ушбу танлов ёшларнинг дунёвий билимларини оширибгина қолмай, уларда ватанпарварлик, миллий қадриятларимиз, аждодларимиз меросига ҳурмат ҳиссини ҳам тарбиялаши шубҳасиз.

Кўрик-танлов жорий йилнинг июнь-август ойларида ўтказилади.

Кўрик-танлов Низоми билан газетамизнинг **2-саҳифасида танишинг.**

"МЕҲНАТ ШУҲРАТИ" ордени МУБОРАК БЎЛСИН!

Мамлакатимизда оммавий спортни, хусусан, футболни тарғиб қилиш йўлидаги жонкуярлиги, ўзбек футболининг шуҳратини жаҳонга танитишда ибрат ва намуна кўрсатгани учун машҳур мураббий Юрий Саркисян ва миллий футболимиз фахри Миржалол Қосимов Президентимиз томонидан юксак унвонга — "Меҳнат шуҳрати" орденига муносиб топилдилар.

4-саҳифада

— Яна нима дейсиз?
— Янги қиёфадаги Ҳастимомни бориб бир кўрмаймизми, жўра?

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

Газета сайтида материаллар ўзбек (лотин графикасида) ва рус тилида берилмоқда.

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

САҲИФАЛАРИМИЗДА ЎҚИНГ:

2
- Сохта «пир»га қўл бергунча, ҳидоятга дил беринг!
- «Сабантўй» сайли сийловсиз бўлмади

3
- «Сизга қиз бермаймиз, чунки ...маҳаллангиз обод эмас!»
- Кўкчани чеккада, деманг!

4
- Миржалолнинг икки ёшли издоши
- Муюлишда ўтирган мулланинг сири бор

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2007 йилнинг қолган муддати учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Маҳалла ёшлари учун танлов

“Маҳаллам тарихини ўрганаман” Республика кўрик-танловининг НИЗОМИ

I. Кўрик-танловнинг мақсади

“Маҳаллам тарихини ўрганаман” кўрик-танлови “Қадриятлар бешигисан — азиз маҳаллам” шиори остида ўтказилади. Маҳалла ёшларининг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, бўш вақтларини мазмунли ва кўнгилли ташкил этиш, маҳаллаларнинг тарихий хусусиятларини, номланиш тарихини ёшлар онгига сингдириш, уларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, аждодларимизнинг кўп асрлик бебаҳо ва улкан меросини тиклаш, ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбиясини шакллантириш, улғаяётган ёшлар шуурида ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, эл-юрт шаънини ардоқлаш каби улуғвор фазилатлар камол топишида маҳалланинг ўрни беқиёс эканлигини тарғиб этиш.

II. Кўрик-танлов шартлари

Кўрик-танлов Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар туман (шаҳар)лари ҳамда Тошкент шаҳри туманларида маҳалла ёшлари иштирокида маҳаллалараро ўтказилади.

Кўрик-танлов иштирокчилари 3 та шарт асосида ўзаро беллашадилар. Ҳар бир шарт 10 баллдан баҳоланиб, умумий баллар жамланади ва ғолиблар аниқланади.

1-шарт: кўрик-танловда қатнашиш учун фуқаролар йиғининг “Ёшлар билан ишлаш комиссияси” ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида олиб борилаётган ишлар бўйича қуйидаги йўналишларни ўз ичига олган тўлиқ маълумотнома туман (шаҳар) ҳокамлар ҳайъатига тақдим этилади:

— маҳалла тарихи ҳақида маълумот;
— маҳалла ёшлари ҳақида умумий маълумот;
— ёшлар онгига ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллий мафкура, анъана ва урф-одатлар руҳини ва маҳалла тарихини сингдириш борасида олиб борилаётган амалий ишлар;
— “Оила — маҳалла — мактаб” концепцияси доирасида маънавий-маърифий, тарбиявий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга ва ҳуқуқий тарбияга қаратилган чора-тадбирлар таҳлили ва амалиёти;
— маҳаллада миллий ҳунармандчилик ишларига ва турли тўгаракларга ёшларнинг жалб этилганлиги;
— соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида олиб борилган ишлар;
— носоғлом диний ғоялар таъсирига тушиб қолган, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, гиёҳвандлик ва турли салбий ҳолатлар содир этган ёшлар билан амалга оширилган ишлар;

Маълумотномага маҳалла тарихини акс эттирувчи ҳужжатлар, фотосуратлар, плакатлар, фотоальбом, стендлар ва шу кабиларни илова қилиш мақсадга мувофиқдир.

2-шарт: “Маҳалламиз тарихидан” — бунда жамоалар ўз чиқишларида маҳалласининг бугунги кунгача бўлган тарихини, ота-боболардан қолган ўлмас мерос, маҳаллада кексалар томонидан ёшларга сингдирилган турли урф-одатлар ва қадриятларни ҳамда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлардан бир саҳна кўринишини намойиш этишлари керак бўлади. Намойиш этиш вақти 10 дақиқадан ошмаслиги шарт.

3-шарт: бу шартда жамоалар саҳнавий, ижодий, мусиқий, видео чиқиш орқали яшаётган маҳалласининг турмуш тарзи, ҳудуднинг ўзига хос қадриятлари ва анъаналарини акс эттириш орқали фаолияти тўғрисида маълумот бериши лозим. Ушбу шартга 5-7 дақиқа вақт ажратилади.

Кўрик-танлов иштирокчилари 2, 3-шартлар бўйича 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит ва қизлардан иборат бўлишлари лозим. Жамоалар таркибидаги иштирокчилар 3 нафар ўсмир ва 3 нафар қизлардан, жами 6 нафардан ошмаслиги шарт.

Кўрик-танловда иштирок этувчи жамоалар жамоа номи, шиори, кўкрак нишонига эга бўладилар.

III. Кўрик-танловни ташкил этиш

Кўрик-танлов жойларда “Маҳалла” жамғармаси ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими ва бўлинмалари ҳамкорлигида тузилган комиссиялар томонидан ўтказилади.

IV. Кўрик-танлов босқичлари

Кўрик-танлов уч босқичда ўтказилади.

Биринчи босқич. 2007 йил июнь ойи давомида туман (шаҳар)ларда тегишли комиссиялар томонидан маҳаллаларо ўтказилиб, бунда ҳар бир туман (шаҳар)дан битта маҳалла жамоаси танлаб олинади ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокамлар ҳайъатига тақдим этилади.

Иккинчи босқич. 2007 йилнинг июль ойи давомида ўтказилиб, бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокамлар ҳайъати туман, шаҳарда биринчи ўринни эгаллаган маҳалла болалари фаолиятини яна бир бор жойларда батафсил ўрганиб, биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларга муносиб ибратли маҳалла жамоасини аниқлайдилар ва уларни муносиб рағбатлантириш тўғрисида тегишли “Маҳалла” жамғармаси бўлими бошқаруви ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлимига тавсия этадилар.

Учинчи босқич. Кўрик-танловнинг Республика босқичи 2007 йил август ойи давомида Республика ҳайъати томонидан ўтказилади. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кўригида биринчи ўринга сазовор бўлган маҳаллалар ёшлари танловнинг 1-шарти бўйича эришган ютуқлари Республика ҳайъати томонидан яна бир бор ўрганиб чиқилади ва билдирилган таклифларни эътиборга олган ҳолда кўрик-танловнинг 2 ва 3-шартлари якунлари асосида ғолиблар аниқланади ва “Маҳалла” жамғармаси республика бошқаруви ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан тақдирланадилар.

V. Кўрик-танлов якунлари бўйича тегишли ҳужжатлар ва уларни тақдим этиш тартиби.

Кўрик-танловда қатнашган ҳар бир маҳалла тўлиқ маълумотномани керакли иловалар билан бирга фуқаролар йиғини қарори билан тегишли туман (шаҳар) комиссияларига белгиланган муддатда тақдим этади.

Маълумотнома фуқаролар йиғини раиси имзоси ва маҳалла муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Туман (шаҳар) комиссиялари ғолиб деб топилган маҳаллани ўз қарори билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кўрик-танлов комиссияларига тақдим этадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар кўрик-танлов комиссиялари тегишли туман (шаҳар) комиссиялари тақдим этган маълумотларни кўриб чиқиб, биринчи ўринни эгаллаган маҳалла ҳужжатларини комиссия қарори билан бирга барча бирламчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда Республика кўрик-танлов ҳайъатига киритадилар.

VI. Кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш

Кўрик-танлов иштирокчиларини қуйидаги масъул ташкилот вакилларидан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб бориши тавсия этилади:

— “Маҳалла” жамғармаси;
— “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати;
— Хотин-қизлар қўмитаси;
— Маданият ва спорт ишлари;
— Халқ таълими;
— “Соғлом авлод учун” жамғармаси вакиллари.

1-босқич. Туман (шаҳар) босқичида аниқланган ғолиб жамоалар “Маҳалла” жамғармаси ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман (шаҳар) бўлинмалари томонидан Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан ҳамда ҳудуд шароитидан келиб чиқиб, ҳомийлар жалб этилган ҳолда рағбатлантирилади.

2-босқич. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичида аниқланган ғолиб жамоалар жойларда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва “Маҳалла” жамғармаси бўлимлари томонидан Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

3-босқич. Саралаш босқичи — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичида ғолибликни қўлга киритган жамоалар “Маҳалла” жамғармаси республика бошқаруви ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Тошкент вилояти

Янгийўл шаҳрида “Сабантўй” байрами ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилади. Бу йилги байрам сайлида икки мингдан ортиқ янгийўлликлар қатнашдилар. Байрамга Қозон шаҳридан (Татаристон) санъаткорлар, меҳмонлар ташриф буюришди. Байрамда турли халқона беллашувлар, концерт дастурлари ташкил этилиб, турли миллат вакиллари, ёшу қари, меҳмону мезбонлар бирдек яйрашди.

Пойтахтимизда эса “Сабантўй” байрамини 17 июнь куни Боғи Эрам истироҳат боғида ўтказиш режалаштирилган.

СУРАТЛАРДА: *Янгийўлда ўтган “Сабантўй” сайлидан лавҳалар.*

Суратлар муаллифи Р.ГАЛИЕВ

Йил дастури ижроси — амалда

БЕКОБОД МАҲАЛЛАЛАРИДА...

Бекобод шаҳрининг Андижон, Ҳамид Олимжон ва Қосим ота Фармонов номли маҳаллаларида Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан фуқароларни моддий қўллаб-қувватлаш, ёшларни иш билан таъминлаш ҳамда янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳамид Олимжон номли маҳалланинг Нуробод кўчасида Қариялар дам олиш маскани ишга туширилди. Тадбиркор А.Ярашев ташландиқ ҳолга келиб қолган ер ўрнида боғ барпо этди. Фуқаролар йиғининг ташаббуси билан ҳомийлар кўмагида 2 та кам таъминланган оилага биттадан қорамол берилди. Янгиобод кўчасида кучли насос орқали тоза ичимлик сувини тортиб олиш йўлга қўйилди. Тадбиркор Эргашали Мавлоновнинг саъй-ҳаракати билан кўча атрофи ободонлаштирилди.

Андижон маҳалласи фуқаролар йиғинида касаначиликка кенг йўл очилган бўлиб, Гулбаҳор Ҳамроқулова ҳамда Адиба Раҳмонқуловалар ўз уйларида ишчи қўлқоплари ва кийимларини тикишмоқда.

Маҳалладаги 40 дан ортиқ кам таъминланган оилаларга “Ўзметкомбинат” корхонаси моддий ёрдам кўрсатмоқда. Яқинда корхона томонидан 5 нафар ногиронга аравачалар, рангли телевизор ва пул маблағлари ҳадя этилди. Шунингдек, корхона ишсиз юрган маҳалла ёшларидан 12 нафарини иш билан таъминлади.

— Келгусида, — дейди йиғин раиси Робия Қодирова, — ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида тикув цехи очмоқчимиз. Ҳудуддаги ободонлаштириш ишларини янада кенгайтирамиз.

Қосим ота Фармонов номли маҳалла ҳудудида кўплаб хусусий корхоналар, 2 та чойхона, истироҳат боғи мавжуд. 30 дан ортиқ аёллар касаначилик билан шуғулланади. Маҳалладаги 27 та кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилди, 5 та оилага 10 тадан товуқ улашилди. Ҳозирда 2 та оиланинг ер участкаси, 7 та оиланинг эса микрокредитлар олишига амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ашурали БОЙМУРОД

Қорақалпоғистон Республикаси

ТЎРТКЎЛЛИКлар ТАШАББУСИ

Тўрткўл туманида “Ижтимоий ҳимоя йили” давлат дастурининг ижросини таъминлаш борасида фуқаролар йиғинлари ташаббуси, ҳомий ташкилотлар ва фермер хўжаликлари саъй-ҳаракати билан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 6 нафар ногирон ва ёлғиз қарияларнинг турар-жойлари таъмирланиб, 12 нафар пенсионернинг хонадонига телефон тармоғи ўтказилган бўлса, яна 11 нафар кекса отахону онахонларга сиҳатгоҳларга бепул йўлланмалар берилди. Умумий ҳисобда жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида ижтимоий муҳофазага муҳтож фуқароларга жами 6 млн. 300 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Асил БЕК,
“Mahalla” мухбири.

Наманган вилояти

ҒИРВОННИНГ ҒАМХЎР ФЕРМЕРИ

Наманган туманидаги Ғирвон қишлоқ фуқаролар йиғинида саховатпеша фермерлар жуда кўп. Улардан бири “Одилбек, Бобурбек, Хуршида” номли фермер хўжалиги раҳбари Одилбек Абдуллаевдир.

Фермер тинимсиз меҳнатлари самараси ўлароқ далаларидан мўл ҳосил олишга эришмоқда. Топаётган даромадининг бир қисмини эса кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож ҳамқишлоқларини қўллаб-қувватлашга йўналтираяпти. Жумладан, у Бузайнаб Йўлдошеванинг уйини таъмирлатиб берган бўлса, пенсионер Турсунхон Мирзараҳимовага уйининг томини таъмирлашга ёрдам кўрсатди. Шунингдек, “Қалдирғоч” мактабгача таълим муассасасида болалар спортини ривожлантириш учун тарбия масканига 600 минг сўмлик спорт анжомлари олиб берди.

Содиқ САЙҲУН,
“Mahalla” мухбири.

Суранг, жавоб берамиз

Савол:

ИШСИЗЛИК НАФАҚАСИ ТЎЛАНАДИМИ?

Фарзандимизнинг соғлиғи ёмонлиги туфайли шифокорларнинг маслаҳати билан икки йил муддатга тоғли ҳудудга кўчиб бордик. Энди хотиним ҳам, ўзим ҳам ишсизмиз. Эшитишимизча, муқим иш ўрни топмагунимизга қадар бизга ишсизлик нафақаси тўланиши керак экан. Бу қай тарзда амалга оширилади?

Жавоб:

МОДДИЙ МАДАД КАФОЛАТЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 64-моддасига кўра, ишдан маҳрум бўлган, биринчи марта иш қидираётган, шунингдек узоқ (бир йилдан ортиқ) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашни истаган ва ишсиз деб эътироф этилган шахсларга:

— ишсизлик нафақаси тўлаш;

— қарамоғидагиларни ҳисобга олган ҳолда моддий ёрдам бериш;

— касб ўрганиш, малака ошириш ёки қайта тайёрлаш даврида стипендия тўланиши ҳамда шу даврни меҳнат стажига қўшиш;

— ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш имконияти таъминланади...

Меҳнат кодексининг 65-моддасига биноан, ишсизлик нафақаси ишсиз деб эътироф этилган шахсга у иш қидираётган шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатдан ўтган кундан эътиборан тайинланади. Қарамоғида учтагача киши бўлган, ўттиз беш ёшга тўлмаган ишсиз эркакка ишсизлик нафақаси у ҳақ тўланадиган жамоат ишларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда иштирок этган тақдирда тайинланади. Ишсиз шахснинг нафақа олиш ҳуқуқи, у иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб, кечи билан ўн биринчи кундан эътиборан кучга киради.

Ишсизлик нафақаси кўпи билан:

— ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган ёки узоқ (бир йилдан ортиқ) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган шахсга ўн икки ойлик давр мобайнида йигирма олти календарь ҳафта;

— илгари ишламаган ва биринчи марта иш қидираётган шахсга эса ўн уч календарь ҳафта мобайнида тўланади.

Ишсиз шахс нафақа олиш даврида иш қидириши ва ҳар икки ҳафтада камида бир марта маҳаллий меҳнат органида йўқламадан ўтиши керак...

Фарғона вилояти

“СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ”

шу ном билан юритилувчи тарғибот гуруҳлари якка-ёлғиз қариялларга мададкор бўлмоқда

Қувасой шаҳридаги Боғбон маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Тойиржон Рустамов ва маҳалла фаоллари янги ташаббус билан чиқишди. Йиғин қошида “Сиз ёлғиз эмассиз” тарғибот гуруҳи тузилди. Гуруҳга маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги “Нуроний” жамоатчилик маркази раиси Эргашали Сулаймонов раҳбарлик қилмоқда.

Гуруҳ таркиби маҳалла фаоллари, 4-умумтаълим мактабининг ўқитувчилари ва юқори синф ўқувчиларидан иборат бўлиб, улар 84 нафар якка-ёлғиз қариялар ва ногиронларни оталиққа олишган.

Яқинда гуруҳ аъзолари Раҳмонали Ҳасанов, Қурвонали Азизов, Аъзамжон Усмонов, Қурвонжон Мўминов сингари уруш ва меҳнат фахрийлари, якка-ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиб, совғалар улашди. Ҳомийлар ўз маблағлари ҳисобидан бир нечта отахону онахонларни “Mahalla”, “Нуроний” ва “Меҳр ёғдуси” газеталарига обуна қилишди. Бундан ташқари, гуруҳ аъзолари кексаларнинг уй-жойларини тозалашга, таъмирлашга, боғ ва экинзорларини парвариш қилишга ҳам яқиндан ёрдам беришмоқда.

Айни пайтда бу каби тарғибот гуруҳлари шаҳардаги Суфон, Арсиф, Валик қишлоқ фуқаролар йиғинлари қошида ҳам фаолият кўрсатаяпти. Уларга Мадаминжон Абдураҳмонов, Мамаюсуф Буваев, Тўхтасин Ҳасанов сингари “Нуроний” жамоатчилик марказларининг ташкилотчи ва ташаббускор раислари раҳбарлик қилмоқда.

— Келгусида ҳудудимиздаги 30 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳаммасида тарғибот ва кўмаклашувчи гуруҳлар тузишни режалаштирганмиз, — дейди “Маҳалла” жамғармаси Қувасой шаҳар бўлинмаси раиси Тўрахўжа Мирзажонов.

Қодир ШОДМОНОВ,
“Mahalla” мухбири.

Сабоқ

Кўҳна Турон замини азал-азалдан кўплаб дунёвий ва диний илмларга асос солган алломаларга бешик бўлиб келган. Айниқса, алломаларимизнинг Қуръон тафсири, ҳадисшунослик, фиқҳ, диний таълимотлар борасидаги асарлари ислом оламида юксак қадрланади. Ана шу илмлар самараси ўлароқ, юртимиздан Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро сингари тасаввуф тариқати намояндалари етишиб чиқди. Улар ўз таълимотлари орқали инсонларни комиллик сари ундаб, Аллоҳни севиб, унинг ризосига ноил этувчи амалларни бажаришга тарғиб этдилар. Асл тасаввуф таълимоти ислом шариати аҳкомларини тўла эътироф этган ҳолда, кишиларнинг ахлоқий фазилатларини такомиллаштириш йўл-йўриқларидан бири экани ушбу алломалар асарларида акс этган.

Тасаввуф ва унда «пир»лар томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар

бу «пир»ларнинг «тавсиялари» кишиларни ҳидоят нуридан узоқлаштириб, ғофиллик ботқоғига ботирмоқда

Аммо бугунги кунга келиб баъзи сохта эшонлар пайдо бўлдиларки, улар ўзларининг номақбул хатти-ҳаракатлари билан муқаддас динимиз шаънига доғ туширмоқдалар. Улар асл моҳиятдан узоқлашиб, ҳатто Қуръони карим ва суннати набавий асосида ташкил топган ислом шариатига ҳам тажовуз қилмоқдалар. Сохта эшонлар қилаётган даъволардан киши ҳайратга тушади.

Масалан, уларнинг қиблани Қўқонга кўчириш ҳақидаги «ғоя»ларини қандай изоҳлаш мумкин? Тарихга назар солсак, ҳатто “икки олам сарвари” деб эъзозланган Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам бунга жазм этмаганлар. Қалблари ила Маккаи мукаррамага қараб намоз ўқимоқни хоҳласалар-да, Аллоҳдан амр келмагани учун Қуддуси шарифга юзланардилар. Ҳижратнинг иккинчи йили Ражаб ойининг ўрталарида Расули акрам (с.а.в.) Қуддуси шарифга қараб пешин намозини адо этаётган чоғларида Каъбага юзланиш амри берилди: ***“Ғоҳо юзингизни*** (ваҳий кутиб) ***осмон бўйлаб ўгириб туришингизни кўраяпмиз.*** (Хотиржам бўлинг) ***Сизни ўзингиз рози бўладиган қибла-*** (Каъба)***га*** (юз) ***ўгиртирамиз. Юзингизни масжиди Ҳарам-*** (Каъба)***га буринг!..”*** (Бақара, 144).

Ўн тўрт аср муқаддам Аллоҳ тарафидан берилган фармони илоҳий шу кунга қадар амалда. Ислом дини шундай мукаммалки, унга ўзгартириш киритишга мутлақо ҳожат йўқ. Бу борада Аллоҳ таолонинг ўзи Қуръони каримда: ***“Бугун сизларнинг динларингизни комил қилиб бердим”,*** деб марҳамат этган. Қиблани ўзгартириш даъвоси эса Аллоҳ таоло амрига қарши чиқиш билан баробардир.

Сохта эшонларнинг муридларига нисбатан даъволаридан яна бири “пирга қўл бермаганларнинг намозлари қабул эмас” қабилида бўлмоқда. Аслида шариатимиз амрига биноан имон калимасини келтирган кимсани, гарчи у бошқа амалларни бажармаса-да, кофир деб аташ мумкин эмас. Киши бирор биродарини “кофир” деб атаса-ю, бу сўзи ўз тасдиғини топмаса, ўша кишининг ўзи имондан ажралиб қолиши мумкинлигини Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадиси шарифларида айтиб ўтганлар. Бунинг устига, ислом дини шариатида фарз ва суннат амалларининг бажарилиши қатъий қилиб белгиланган.

Сохта эшонларнинг яна бир даъвоси шуки, гўёки пирга қўл берган инсон зиммасидаги қазо намозларидан соқит бўлар эмиш. Аслида намоз Аллоҳнинг бандаларига буюрган фарзи, намоз ибодатдир. Уни адо этиш ҳар бир мусулмон учун бурч ҳисобланади. Агар инсон бирор сабаб билан намозларини ўқий олмаса, бошқа бир бандани восита қилиб бу фарздан кечиб юборилиши мумкин эмас. Намоз Аллоҳнинг ҳаққи, у бандаси томонидан энг комил пирга қўл берган тақдирда ҳам адо этилиши лозим. Аллоҳнинг ҳаққидан фақатгина унинг ўзи кечиши мумкин.

Ҳар бир банда Холиқи зулжалолнинг қошида бир хил мақомга эга. Лекин сохта пирлар атрофида тўпланганлар ўзларининг ана шундай шарафга ноил эканлигини ҳам унутиб қўймоқдалар. Инсон зоти фақатгина қалбдаги тақво боис азиз тутилиши илоҳий калималарда ўз аксини топган: ***“... Албатта, Аллоҳ наздида*** (энг азизу) ***мукаррамроғингиз тақводорроғингиздир. Албатта, Аллоҳ билгувчи ва хабардор зотдир”*** (Ҳужарот, 13). Лекин ўзларини тасаввуф тариқатининг вакили деб билаётган айрим кимсалар Қуръони каримнинг бу оятига хилоф иш тутмоқда. Улар пир таҳорат олган сувни муқаддас билиб, ҳатто ўша сувни истеъмол қилмоқда. Астағфируллоҳ! Аслида бу дунёдаги энг муборак зот Расули акрам(с.а.в.)дир. Аллоҳ таоло: ***“Эй Муҳаммад, агар сени яратмаганимда, дунёни яратмас, Аллоҳлигимни ошкор қилмас эдим”*** деган илоҳий калимасида Расули акрам(с.а.в.)га энг юксак баҳони берган. Ҳаттоки ана шундай муқаддас зот тарихида ҳам бундай ҳолат, яъни ул мукаррам зот таҳорат олган сувнинг бошқалар томонидан ичилгани ҳақида бирон маълумот учрамайди. Агар инсон бу каби амаллар билан

Сохта эшонларнинг яна бир даъвоси шуки, гўёки пирга қўл берган инсон зиммасидаги қазо намозларидан соқит бўлар эмиш. Аслида намоз Аллоҳнинг бандаларига буюрган фарзи, намоз ибодатдир. Уни адо этиш ҳар бир мусулмон учун бурч ҳисобланади.

Яратганнинг розилигини қозона олганда эди, бу ишни энг аввало саҳобаи киромлар қилган бўлардилар. Бугун ўзини мутасаввиф сановчи баъзи кимсаларнинг таълимотларини синчковлик билан кузатар эканмиз, уларнинг баъзан насронийликка мансуб оқимлардан таъсирланганлигига шоҳид бўламиз. Жумладан, уларнинг фикрича, оддий инсоннинг ноласи Аллоҳ таолога етиб бормайди, ўртада воситачи керак. Яъни насронийлик таълимотига кўра, бандалар Яратган олдида ўз гуноҳларидан кечиб беришини руҳонийлардан сўрайдилар. Тавба-тазарруни ҳам Яратганнинг ўзига эмас, руҳонийларга қиладилар. Айни шу усул сохта эшонлар фаолиятида ҳам намоён бўлмоқда. Ваҳоланки, Ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло марҳамат қилиб: ***“Бандам мени ёлғиз ҳолда эсласа, мен ҳам уни ёлғиз ҳолда эслайман. Агар мени жамоат орасида эсласа, мен ҳам уни ундан-да яхшироқ жамоат*** (фаришталар) ***орасида эслайман”,*** дея банданинг Аллоҳни ҳар бир ёдга олиши ҳам унинг наздидан четда қолмаслиги айтилган. Бундан ташқари, Қуръони каримда, ҳадиси шарифларда ҳам Аллоҳдан чин дилдан сўралган дуолар ижобат бўлиши, ҳар бир банданинг ўзи Аллоҳга дуо қилиб, эҳтиёжларини сўраши мумкинлиги таъкидланган. Сохта эшонлар ва улар атрофидаги кимсаларнинг бу каби макруҳ ишларидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин: тахажжуд намозини фарз деб ният қилиш, бу дунёда Аллоҳ жамолига муяссар бўлиш каби сохта даъволар ҳам ана шундай асоссиз ва шариатимизга зиддир. Аслида тасаввуф инсонни ислом дини аҳкомларидан четга чиқмаган ҳолда Аллоҳ ризосига эришгирмоғи лозим. Сохта эшонлар ва уларнинг муридлари мисолида эса бунинг аксига дуч келмоқдамиз. Улар Аллоҳ таолонинг ризосини эмас, қаҳрини келтирадиган амаллар билан машғул. Тасаввуф йўлини тутиб комилликка интилган, савобталаб киши энг аввало ислом олами тан олган алломаларимиз ҳаётидан ибрат олиб, асарлари билан танишиб, қолаверса, сохта пирга қўл беришдан аввал унинг таълимоти ҳақида суриштириб кўриши лозим. Акс ҳолда савоб умидида қилган амалларининг натижаси имон бутлигининг бузилиши, қалб заҳмати ва дўзах оташи билан якун топмоғи эҳтимол.

Илоҳим, Аллоҳ барчамизни тўғри йўлдан адашишдан сақлаб, ҳидоятда собиткадам бўлишликни насиб айласин.

Убайдулла УВАТОВ,
тарих фанлари доктори.

Фуқаролар йиғинлари фаолиятидан

Чеккадаги КЎКЧАда ҳам ҳаёт қайнайди

Кўкча — Ғиждувон тумани марказидан 100 километр олисда, Навоий вилояти билан чегара ҳудудда ястаниб ётган бепоён чўл бағрида жойлашган қишлоқ. Қишлоқ йиғини ўрамидаги 6 та маҳаллада 2718 нафар фуқаро яшайди.

— Кўкчани бошқа маҳаллалардан ажратиб турадиган ўзига хос жиҳатлар бор, — дейди маҳалла раисаси Ирисгул Қорабоева. — Маҳалламиз туман марказидан анча узоқда жойлашган. Ҳар бир қишлоқ орасидаги масофа ҳам 50-90 километр атрофида. Шу боисдан янги иш ўринлари яратиш борасида имкониятларимиз доираси ҳам кенг эмас. Аҳолининг асосий қисми Навоий тоғ-кон металлургия комбинатига қарашли 5-сон руда конида ва наслчиликка ихтисослашган "Кўкча" қорақўлчилик ширкат хўжалигида меҳнат қилади.

Йиғинимиз ишини ана шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда ташкил этганмиз. Чунки бор имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз кучимизни ишга солмасак, бирон натижага эришиш қийин. Маҳалламиз чекка ҳудудда жойлашган, аммо жамиятимизда кечаётган янгиланиш жараёнларидан четда қолган эмас. Гарчанд қишлоқларимиз бир-биридан йироқ жойлашган бўлса-да, аҳоли билан доимий мулоқотда бўлишга ҳаракат қиламиз. Ҳар бир қишлоқ ва овулда жамоатчилик асосида фаолият олиб бораётган оқсоқоллар, фаол хотин-қиз ва ёшлардан иборат вакиллар гуруҳи бор. Турли тадбирларни ўтказиш, мавжуд муаммоларни ўрганишда биз ана шу вакилларга кўпроқ таянамиз. Ҳудуддаги умумтаълим мактаби, болалар боғчаси ва қишлоқ врачлик пункти фаолияти ҳам эътиборимизда. Шунингдек, 5-сон руда кони, унинг ҳузуридаги Нурота гидрогеологик экспедицияси, "Кўкча" ширкат хўжалиги маъмурияти билан яқиндан ҳамкорлик қиламиз. Улар барча тадбирларимизнинг асосий ҳомийлари ҳисобланишади...

Ҳа, Ирисгул опа таъкидлаганидек, маҳалла тизими мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи фуқароларнинг ҳаётида ҳам ўз ўрнига эга. Кўкчаликлар ҳаёти мисолида бунга яна бир бор гувоҳ бўлдик. Қайси

Бухоро вилояти

қишлоқ ёки овул ҳаёти билан танишмайлик, одамларнинг бунёдкорликка интилишини, ҳар қандай масалани қизғин, эркин муҳокама қилишларини, бефарқлик уларга ёт эканини кўрдик.

Ирисгул опа Кўкчани саккиз йилдан буён бошқараяпти. Шу даврда тўпланган тажриба ва малака унинг иш фаолиятида асқотаяпти. Маҳалла ҳузурида ташкил этилган кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, яраштириш, тўй, маърака ва маросимларни ўтказиш, жамоат тартибини сақлаш каби комиссияларнинг олиб бораётган ишлари ҳам таҳсинга лойиқ. Йиғинда жорий йил бошидан буён 100 га яқин фуқарога давлат ва ҳомийлар томонидан моддий ёрдам берилган, 10 нафар ёш иш билан таъминланган, ажралиш арафасидаги учта оила сақлаб қолинган. Бундан ташқари, йиғин тушаббуси билан тез-тез спорт мусобақалари, турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб турилади.

Ҳамроз АЛИ,
"Mahalla" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Муаммо ва ечим

ЕР БИСЁР, СУВ ҲАМ СЕРОБ

суғоришнинг янги усули Қора уйда сув танқислиги муаммосини ҳал қилишда қўл келмоқда

Тахтакўпир тумани Қора уй овулидаги хонадонларнинг сув билан тўлиқ таъминланмаганлиги аҳолига деҳқончилик билан шуғулланишда анча қийинчилик туғдирар эди.

Яқинда Қорақалпоғистон фермер хўжаликлари уюшмаси ташаббуси билан овул аҳолисининг мушкули осон бўлди. Уюшма томонидан Исроил мамлакатидан томчилаб суғориш ускуналари келтирилиб, овулдаги 15 та хонадонга ўрнатилди.

— Эндиликда биз ҳам эмин-эркин деҳқончилик қилаяпмиз, боғ-роғларимиз гуллаб-яшнаяпти, — дейди овул фуқароси Сарсербой Узоқбоев. — Суғоришнинг бу усули экинларни бир маромда парвариш қилишда ҳам қўл келмоқда.

Уюшма томонидан келтирилган яна 48 та ана шундай ускуналар Нукус туманидаги сув таъминотига эҳтиёжманд овулларга ҳам ўрнатилди.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

Олам турфа

ЙИРИКЛАШТИРИБ КЎРСАТАДИГАН ОЙНАГА ҚАДАР

Дастлабки линзалар тонг биллури, топаз ва турмалин сингари қиммат-баҳо тошлардан тайёрланган. Одамлар шаффоф шиша тайёрлаш йўлини билишмаган, улар нур ўтказадиган тошга ишлов беришга мажбур бўлишган.

Шунга қарамай, шиша линза жуда қадимий ҳисобланади. Қадимий Помпея шаҳри қазилмаларида линза топилган. Айрим олимларнинг фикрича, Помпеядан топилган линзалар асосан қуёш нурини бир нуқтага йўналтириб ўт олдириш учун ишлатилган. Бу таҳмин нечоғли тўғри ёки аксинчалигидан қатъи назар, одам ўт ёқиш учун ишлатадиган линза орқали майда жисмларни кузатишга урингану... яна бир улуғ ихтиро — катталаштириб кўрсатадиган ойнани кашф этган.

КИТОБ МУҚОВАЛАШГА ҚАДАР

Ўрама "китоблар" учун муқова вазифасини ёғоч гилофлар ўтаган. Лекин энг нодир ва ноёб ўрамалар учунгина шундай гилоф ясалган.

Дастлабки китоблар унинг ғилофлари тайёрланган тери билан муқоваланган. Кейинчалик тери тахта муқовага тортилган, натижада муқова оғирлашган ва пишиқлашган. Руҳ бурчаклар ва безаклар муқовани ифлосланишдан сақлаган, илгак ва қулфлар унинг қаппайиб кетишига йўл қўймаган. Қадимий бесўнақай металл билан қопланган, қулфлаб қўйилган китоблар кўринишидан бойлик тўла сандиққа ўхшаб кетган. Ҳар қалай, бир сандиқ бойликка тенглашадиган қиммат-баҳо китоблар ҳам бўлганда! Қироатхоналарда китоблар ўғирлаб кетилмаслиги учун столга маҳкамланган.

Омонулла АБДУСАЛОМОВ тайёрлади.

Самарқанд вилояти

Коммунал тизимда тажриба

РАҒБАТГА БЕРИЛГАН МАБЛАҒ

бунинг ҳисобидан тумандаги 38 та маҳаллага компьютер жамланмалари олиб берилди

Электр энергияси ва табиий газ учун тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, истеъмолчилар қарздорлигининг кўпайишига йўл қўймаслик, электр энергияси ҳамда табиий газ етказиб берувчиларнинг истеъмолчилар билан тузилган шартнома мажбуриятларига риоя этишда жавобгарлигини ошириш мақсадида вилоят ҳокимлиги қабул қилган қарор ижроси юзасидан маҳаллалар ва коммунал ташкилотлар ўртасида ўзаро шартномалар тузилди. Шунингдек, ҳар бир туманда уларга кўмаклашувчи ишчи гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилди.

Коммунал тўловлар тушумини 75 фоиздан ошириб бажарган ўзини ўзи бошқариш органларига тушумнинг 10 фоизи ажратилиши табиий газ ҳамда электр энергияси ҳақининг ундирилишини тезлаштирса, ўз навбатида маҳаллалар ҳисобидаги маблағларнинг кўпайишига ҳам асос бўлаяпти. Бунинг натижаси ўлароқ, Пайариқ туманида жорий йилнинг уч ойи давомида коммунал тўловлардан "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси ҳисобига тушган маблағ миқдори 35 миллион сўмни ташкил қилди.

— Ана шу маблағ ҳисобидан туманимиздаги мавжуд 61 та маҳалланинг 38 тасига замонавий компьютер жамланмалари олиб берилди, — дейди "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлинмаси раиси Сайдулло Бойзоқов. — Саъй-ҳаракатлар натижасида коммунал тўловларни ундириш жараёни бирмунча тезлашди ва осонлашди.

Жамғарманинг туман бўлинмаси қолган маҳаллаларни ҳам компьютер жамланмалари ва зарур жиҳозлар билан таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Туман маҳаллаларида яшовчи 172 нафар ёрдамга муҳтожлар ва кам таъминланган оилалар фарзандларига ҳомийлар томонидан 1 миллион 720 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Туман марказидаги 54-махсус мактаб-интернатида тарбияланаётган руҳий ва жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган 205 нафар ўқувчига туман ҳокимлиги ва ҳомийлар кўмагида 660 минг сўмлик моддий ёрдам ажратилди. Натижада умумий ҳисобда кам таъминланган оилаларга кўрсатилган моддий ёрдамлар миқдори тўрт ярим миллион сўмни ташкил қилди.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

Сирдарё вилояти

Маҳалла тизимида кимлар ишлайди?

ФАРҲОДнинг ФИДОЙИ ОҚСОҚОЛИ

Гулистон шаҳридаги Фарҳод номли маҳаллага чўлқуварларнинг дастлабки гуруҳи асос солган. Маҳалланинг биринчи оқсоқоли Маматқул Раҳмонқулов ҳудуд ободлиги ва аҳоли ҳаёти фаровонлиги йўлида 27 йил тер тўкди. От изини той босар, деганларидек, бугун унинг ишларини ўғли Мухтор Маматқулов давом эттирмоқда.

— Мухтор ака табиатан раҳбарлик лаёқатига эга инсон. Маҳалладаги бирорта одам унинг синчков назаридан, эътиборидан четда қолмайди. Нафақада бўлишига қарамай, эл ташвиши билан югуриб елади. Маҳалла ёшларининг қизиқишларию нималар билан машғуллиги, ободончилик ишлари қандай кетаётганию ким тўй, ким янги иш бошламоқчи — ҳаммаси билан шуғулланишга, зарур бўлса кўмак беришга вақт топади, — дейди "Маҳалла" жамғармаси Гулистон шаҳар бўлинмаси раиси Алижон Шербоев.

Ишда ташаббус кўрсатишда, хайрли тадбирларни амалга оширишда Мухтор ака доимо маҳалладошларига намуна бўлишга интилади. Натижада Ботир ва Шокир Ашуровлар, Озод Мирзаев, Ҳикоят Эргашева, Мавлуда Тошматова сингари маҳалладошлар оқсоқолдан ўрнак олиб, кам таъминланган оилаларга бир бошдан қорамол олиб бердилар. Васил Мирзаев эса бир йўла уч оилага ўз мурувватини кўрсатди. Айни кунда маҳаллада яшовчи ҳомийлар томонидан Фарҳод, Беруний, У.Юсупов номли кўчалар асфальтланмоқда.

Инсон меҳнатининг эътирофи уни янада руҳлантиради. Буни Мухтор Маматқулов мисолида ҳам кўриш мумкин. Кўп йиллик меҳнатлари учун "Шуҳрат" медали билан тақдирланган оқсоқол катта куч-ғайрат билан фаолиятини давом эттирмоқда.

Донагул ЖЎРАЕВА,
"Mahalla" мухбири.

Сайёра Бўронова «Маҳалла» жамғармаси Янгиер шаҳар бўлинмасида диний-маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи сифатида иш бошлаганига кўп бўлмади. Янги ишда унга аввал ҳам шу тизимда ишлаб орттирган тажрибаси қўл келмоқда.

— Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонини фуқароларимиз қувонч билан қутиб олдилар. Ахир бу қанчадан-қанча ёш оилалар учун янги имкониятлар эшигини очади, уй-жой билан боғлиқ муаммоларини бартараф этишга ёрдам беради, — дейди Сайёра Бўронова. — Кам таъминланган, ёлғиз кексалар ва ногиронлар, моддий ва маънавий ёрдамга муҳтож оилалар доимо эътиборимизда.

СУРАТДА: *Сайёра Бўронова (ўнгда) Абдураҳмон Жомий номли маҳалласи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ибодат Худойназаровага йўл-йўриқ кўрсатмоқда.*

Обод бўлган қишлоқлар

Сурхондарё вилояти

Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғини Музработ туманидаги энг обод манзиллар қаторида эътироф этилади. Йиғин ҳудудидаги туб ўзгаришлар, тоза, саранжом-сариштa хонадонлар, намунали оилалар, меҳнаткаш ва ҳиммати баланд инсонлар тумандошларга ибрат. Бунда қишлоқ йиғини раиси Эшқобил Собировнинг муносиб ҳиссаси бор.

БЎСТОНГА АЙЛАНГАН ГУЛИСТОН

Ҳозирда Гулистонда 2939 нафар ўғил-қизларни ўз бағрига олган 5 та умумий ўрта таълим мактаби, 4 та мактабгача тарбия муассасаси, қишлоқ ҳакимлик пункти ҳамда амбулаторияси, 20 та маиший хизмат кўрсатиш нуқтаси, 39 та савдо дўкони фаолият юритаяпти. Шунингдек, аҳолини доимий иш билан таъминлаётган 21 та ташкилот, корхона, муассасалар қишлоқдаги тараққиётга асос бўлаяпти. Айни пайтда уларда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар сони 1315 нафар кишини ташкил этмоқда.

Қишлоқ фуқаролар йиғинида "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Йиғиндаги 18 та кам таъминланган оила, 5 нафар ўзгалар парваришига муҳтож кишилар рўйхатга олиниб, улар моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келинмоқда. "Шариф-Н" ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонаси ночор оилаларнинг электр энергияси тўлови учун беш юз минг сўм маблағ ажратди. "Қишлоқ хўжалик кимё" корхонаси учта оилага юз минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатди. Ат-Термизий номли маҳалла фуқароси Чори Йўлдошев ўз ҳисобидан эҳтиёжманд кишиларга бир тонна гуруч, "Меҳнат-роҳат" дон маҳсулотлари корхонаси директори Қурбон Амирқулов 450 килограмм гуруч ва бир тонна ун берди. "Музработ пахта" ҳамда "Шариф-Н" ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналари ва Исмоил номли фермер хўжалиги учта эҳтиёжманд оилага бир бошдан бузоқли соғин сигир ҳадя қилди. "Тадбиркорбанк"нинг туман бўлими кам таъминланган оилаларнинг йигирма биттасига беш юз минг сўмдан имтиёзли кредит ажратди.

Ҳасан Қодиров қишлоқ йиғини ҳудудида умргузаронлик қилаётган саховатпеша инсон. У топганини маҳалла-кўй билан баҳам кўраяпти, савоб ишларга сарфлаяпти. Ўтган йили у маҳалладаги йигирма нафар боланинг суннат тўйини ўтказиб берди ва Халқ банкида ҳар бир тўйбола номига омонат дафтарчаси очтирди. Ҳасан Қодиров жорий йилда ҳам янги тўйга тайёргарлик кўраяпти. Ундан ибрат олган "Музработ тола" минтақавий базаси раҳбари Эшбой Усмонов ўн икки нафар болага моддий ёрдам кўрсатди.

Гулистонга қўшни бўлган Шўроб қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ҳам эътиборга лойиқ ишлар кўп. Оқсоқол Шавкат Хоннаев қишлоқ ободончилиги ва аҳоли турмушини яхшилаш борасида сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Йиғин ўрамидаги Янгиобод ҳамда Шўроб маҳаллаларида 1038 та хўжалик истиқомат қилади. Аҳолининг асосий қисми Амударё соҳилларида деҳқончилик билан шуғулланиб, шоли етиштиради.

Қишлоқда амалга оширилаётган хайрли ишлар асосан ҳашар йўли билан бажарилади. Шу тартибда Шўроб маҳалласидан ўтган сойга кўприк қурилди, транспорт қатнови йўлга қўйилди. Собиқ ширкат хўжалиги ихтиёрида бўлган эски бино қайта тикланиб, ҳакимлик амбулаториясига айлантирилди. Шўроб ҳамда Янгиобод маҳалларидаги ички йўллардан тўрттасига шағал ётқизилди. Янгиобод маҳалласида оқар сув муаммоси мавжуд эди. Уч километр узунликда катта ариқ қазилиб, Ангордан Навшаҳарга ўтган каналдан томорқа ерларни суғориш учун сув чиқариш йўлга қўйилди. Иккита трансформатор янгиси билан алмаштирилиб, фуқароларнинг электр энергияси таъминоти яхшиланди.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Фарғона вилояти

ҚУВАда ЗАМОНАВИЙ "ҚВП"

у "Саломатлик-2" лойиҳаси асосида жиҳозланди

Бугунги кунга келиб, вилоятда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 257 та қишлоқ врачлик пункти ишлаб турибди. 80 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш ишлари бажарилиб, кўркам қиёфа касб этган Қува туманидаги "Бегат" ҚВП ҳам аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатаётган ана шундай масканлардан бири.

СУРАТДА: *"Бегат" ҚВП ҳамшираси Инобат Юнусова беморни рўйхатга олиш пайтида.*

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

БИР ГЎШАКИ... ГУЗАРИ бор, БОЗОРИ бор

**** Олтита маҳалла аҳлига хизмат кўрсатаётган гузар***
**** "Гузари йўқ маҳаллага қиз бермайман!"***
**** Сотувдаги сабзавотлардан тортиб, барра қўй гўштигача ўзимизда етиштирилган...***
**** Гузар обод бўлса, ишсизлик барҳам топади!***

Яқинда бир аёл ўғлини уйлантириш тараддудида совчиликка борибди. У борган маҳалла жуда обод экан. Мўлжалидаги хонадонни топиб, қизнинг онаси билан суҳбат қурибди. Совчи аёл ўз муддаосини айтгач, қизнинг онаси у яшайдиган маҳалла манзилини суриштирибди. Маҳалла номини эшитгач, гапни чўрт кесибди:

— У ерга қизимни бермайман. Маҳаллангизда на гузар бор, на бозор. Орзу-ҳавасли дунёда қизимни бефайз, обод бўлмаган маҳаллага узатаманми?!

Совчиликдан муддаоси унмай қайтган аёлнинг "Маҳалламизни обод қилиш учун кўпнинг бошини қовуштирадиган бир мард топилармикан-а?" дея фиғони фалакка ўрлабди.

Замонанинг зайлини қаранг-ки, эндиги қудалар бир-бирларининг нафақат насл-насабларини, балки маҳаллаларининг қай даражада ободлигини ҳам суриштираётган экан.

Хўш, бугун маҳалла гузари қандай бўлиши керак? Уни бунёд этишдан мақсад нима? Вилоятнинг ғарбий чеккаси Рапқондаги гузарнинг бунёд этилиши ва аҳолига хизмат кўрсатиши мисолида бу саволга жавоб топиш мумкин.

— Гузар ташкил қилишдан мақсад, аҳолининг рўзғор учун зарур нарсаларни ахтариб узоққа овора бўлиб бормаслигини, ҳамма нарсани ўз қишлоғидан, ўз маҳалласидан топа олишини таъминлашдир, — дейди "Маҳалла" жамғармаси Бешариқ тумани бўлинмаси раиси Эшқўзи Муллаев. — Янги Рапқон, Яккатут маҳалла гузарларида ана шундай шароитлар муҳайё этилган.

Янги Рапқондаги гузар дарҳақиқат кўркам экан. Аслида бу маҳалла Рапқон қишлоқ фуқаролар йиғини тасарруфидаги олти маҳалланинг бири бўлади.

Рапқон номи "рафиқон" сўзидан олинган бўлиб, маъноси — дўстлик, ўртоқлар деганидир. Қишлоқ қўшни мамлакат Тожикистон билан чегарадош. Туман марказидан 15 километр, Қўқон шаҳридан 40 километр олисда жойлашган. Қишлоқда қарийб 17 минг аҳоли яшайди. Қишлоқ фуқаролар йиғинига Охунжон Эргашев раҳбарлик қилади.

Гузар ташкил қилиш ҳақида гап кетгач, у қишлоқнинг барча маҳалласига ўрта бўлган Янги Рапқон маҳалласи раисига юзланди.

— Абдумўминжон, белни маҳкам боғлаб, тадбиркору ҳомийларни ишга солинг. Биз ҳам ёрдам берамиз. Шундай гузар қурайликки, бировга мақтаниб кўрсатгудек бўлсин.

Абдумўмин Сафоев туман архитектура бўлими билан ҳамкорликда гузарнинг лойиҳасини ишлаб чиқди. Қурилишга қишлоқдаги барча тадбиркор ва ишбилармонлар жалб қилинди. Аввало, хиёбон бунёд этилиб, унинг атрофидан ошхона-чойхоналар, савдо дўконлари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ўрин олди. Сал фурсат ичида уларнинг сони 40 тага яқинлашди.

Гузар марказидаги энг гавжум маскан — оталар чойхонаси қишин-ёзин нуронийлар хизматида. Унинг ёнида жойлашган ошхонада ўн хилдаги миллий таомлар тайёрланмоқда. Ошхона биқинида сомса ёпилади. Танлаш ихтиёри — хўрандаларда.

Рапқон "Матлуботсавдо" шўъба корхонасининг бир нечта савдо дўконлари ҳам шу гузарда. Қолаверса, кўплаб хусусий ва тижорат дўконлари ҳам мавжудки, улардан исталган маҳсулотни топиш мумкин.

— Биз деҳқонлар, фермерлар ва томорқасида маҳсулот етиштирадиган қишлоқдошлар билан шартнома тузганмиз, — дейишади дўкондорлар. — Шу боис дўконларимиздан хонадонларда етиштирилган сабзи, пиёз, картошка, карам, бодринг, помидор ва бошқа сабзовот ҳамда резаворлар қишин-ёзин узилмайди. Нарх-наво ҳам бозордагига нисбатан анча арзон.

Гўшт дўконидаги маҳсулотлар ҳам бошқа жойдан келтирилган эмас, қорамолларни рапқонликларнинг ўзлари боқиб, семиртиришган. Дарвоқе, қорамолга озуқа топиш муаммоси йўқ, сабаби ҳудудда қунжара, шелуха, кепак ва бошқа емишлар сотиладиган махсус дўкон очилган.

Гузардаги дорихонада юздан ортиқ хилдаги дори-дармонларни топиш мумкин. Алоҳида ветеринария дорихонаси ҳам бор.

Гузарда аёллар гўзаллик салони, сартарошхона, нусха кўчириш ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ҳам мавжуд. Бу ерда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, пойабзал таъмирлаш устахонаси ишлаётгани ҳам аҳолига қулайлик туғдиради. Йўлдошали Ҳайитовни рапқонликлар "Хожатбарор уста" деб аташади. У гузар чеккасида махсус темирчилик устахонаси очиб, набираси Бобомурод билан бирга кетмон, теша, ўроқ, пичоқ, чопқи сингари 15 га яқин уй-рўзғор буюмлари ясайди, таъмирлайди.

Гузар ҳудудида жойлашган алоқа бўлими ходимлари пенсионер ва нафақадорларга пенсия пулини тарқатишдан ташқари хонадонларга 64 хил номдаги 6700 та газета-журнал, хат-хабарларни етказиб беради.

Янги Рапқонда мактаб ўқитувчиси Рустамжон Мажидов ташаббуси билан бокс мактаби ташкил қилинган. Мактабда тарбия олган Азизбек Раҳмонов Озарбайжон, Венгрия, Италия, Жанубий Корея давлатларида жаҳон ёшлари ўртасида ўтказилган мусобақаларда қатнашиб, ўз вазни бўйича чемпион бўлди. Зоҳиджон Султонов 2006 йилда Вьетнам ва Туркияда Жаҳон ва Осиё давлатлари ёшлари ўртасида ўтказилган мусобақаларда иштирок этиб, кумуш медал совриндори бўлиб қайтди. Акмал Раҳмонов ва Олим Алиқулов Ўзбекистон чемпионлари. Осиё ўйинлари мусобақасига тайёргарлик кўраётган мамлакатимиз терма жамоаси сафида рапқонлик Шоҳқаҳон Эргашев, Жавлон Чўлпонов, Даврон Омонов сингари умидли боксчиларнинг ҳам борлиги бу маскан ҳақиқатан ҳам республикадаги илғор бокс мактабларидан бири эканлигини исботлайди.

Маҳаллада бозор, тўйхона, чеварлик устахонаси йўқ эди. Ҳозирги кунда уларни ҳам ташкил қилишга киришилган. Гузар чеккасида 2,5 гектар майдонни эгаллаган Бешариқ деҳқон бозорининг Янги Рапқон филиали, Мустақиллик хиёбони ва Хотира майдонига яқин жойда кафе-тўйхона қурилянти. Бу ишларга Ҳошимжон Обидов билан Рафиқжон Холматов бош-қош. Асолатхон Йўлчиева эса тикувчилик-чеварлик устахонасини ишга тушириш арафасида.

Маҳалла гузаринг ташкил қилиниши, унинг тобора кенгайиб бораётгани ишсизлик муаммосига барҳам бермоқда. Янги Рапқон маҳалла гузари "Энг обод маҳалла гузари" кўрик-танловининг туман босқичида ғолиб бўлди.

Рапқонга яқин қишлоқлардаги оналар "Қиз чиқарадиган бўлсам, Янги Рапқонга узатаман", — деб ният қилишибди. Яхши ниятларига етсинлар, илоҳим...

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Спорт оламида

Ўтган ҳафтада мамлакатимиз футболи тарихида иккита катта воқеа содир бўлди. Узоқ йиллар давомида Фарғонанинг "Нефтчи" клубини муваффақиятли бошқариб келаётган Юрий Вазгенович Саркисян ўзининг 60 йиллик юбилейини нишонлаган бўлса, жарима тўпларининг моҳир ижрочиси Миржалол Қосимов катта футбол билан хайрлашув учрашувини ўтказди. Президентимиз Фармонига кўра ёш авлодни спортга жалб этиш борасидаги катта меҳнатлари инобатга олиниб, юртимиз футболининг ҳар иккала жонкуяри "Меҳнат шуҳрати" ордени билан мукофотланди. Бу мамлакатимизда спортга, хусусан, футболга бўлган юксак эътибордан далолатдир.

ФУТБОЛИМИЗ ФАХРИ

Мамлакатимизда вояга етаётган кўплаб ёшлар Миржалол Қосимовга ҳавас қилиб, футбол сир-асрорларини ўрганмоқдалар. Шу боис, Миржалол Қосимов 1987 йил 18 ёшли ўсмирлар ўртасида Жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритганидан сўнг, унга ҳавас қилиб қўйилган Миржалол исмли йигитларни қидириб топиш ва уларга совғалар улашиш ташкилотчилар томонидан режалаштирилган эди. 200 дан ортиқ Миржалоллар рўйхатга олинган бўлса, уларнинг 45 нафари айнан Миржалол Қосимов исм-шарифига эга бўлган йигитлар экан. Уларга "Миржалол" деб ёзилган 4-рақамли футболкалар топширилди.

Миржалолнинг бу даражага етишида, аввало ўзи ўсиб камол топган муҳитнинг ўрни катта. Қосимовлар хонадони маҳалла аҳлининг фахри ҳисобланади. Миржалол футболдаги дастлабки машғулотларни отаси Қўшоқ ака Қосимов *(суратда)* мураббийлигида ўз маҳалласида бошлаган. Қўшоқ ака ўша онларни шундай эслайди: "Қандай қилиб бўлмасин Миржалолни спортга қизиқтиришга харакат қилдим. Маҳалламиздаги болаларни йиғиб, футбол ўйнаттирдим". Фаолияти давомида ҳамиша мухлислар кутган ўйинни намойиш этиш камдан-кам футболчиларга насиб этади. Миржалол ана шундай барқарор ўйинлари билан ҳам мухлислар ҳурматига сазовор бўлган. Айниқса, жарима тўпларини тепиш бобида унинг олдига тушадиган футболчи йўқ. Йиллар давомида турли халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этган Миржалол Қосимов терма жамоамизнинг энг сермаҳсул футболчиси ҳамдир. Ўзбек футболининг фахри Миржалол Қосимовнинг футболчилик фаолияти ниҳоясига етган бўлса-да, у мамлакатимиз футболининг ривожланиши учун имкон қадар ҳисса қўшиб келмоқда. Футболимиз фахрининг мураббийлик борасида ҳам катта ютуқларни қўлга киритишига умид қиламиз.

Беҳзод ҚОБУЛОВ



Суратда тўп сураётгани акс эттирилган жажжи болакайнинг исми ҳам Миржалол. У эндигина икки ёшда, лекин тўпни "бошқариши"дан келажакда машҳур исмдошига муносиб издош бўлишига ишонсак бўлади.

Суратлар муаллифи Р.ГАЛИЕВ.

Мўъжизакор ҳунармандлар юрти

УСТА

Шарқда эл-юрт орасида ўз меҳнати ва ибратли ҳаёт йўли билан обрў-эътибор қозонган кишиларни "уста" дея ардоқлашади. Чиндан ҳам, самарали ва шижоатли меҳнат, Ватан тараққиёти ва равнақи, мамлакат ободончилиги йўлида амалга оширилган хайрли ишлар ҳеч қачон изсиз кетмайди. Доимо заҳматкаш инсонлар номи улуғланади, қадр топади.

Дарҳақиқат, устанинг шон-шуҳрати узоқ яшайди. Бухоролик Ширин Муродов ҳам ана шундай улуғ номга эга бўлган халқ устаси эди. У 1879 йили Бухорода устазодалар оиласида таваллуд топган. Отаси Мурод, бобоси Носир ва амакиси Ҳаёт ҳам ўз даврининг истеъдодли ганчкор усталари бўлишган. Ширин Муродов ёшлигидан бинокорлик, хусусан, ганчкорлик санъатига ҳавас қилиб, 11 ёшидан отаси билан ёнма-ён ишлаб, ганчга гул ўйишни ўрганиб олган. Шунингдек, ёш уста амакиси уста Ҳаёт қўлида 18 йил шогирд бўлган. Шундан кейингина, 32 ёшидан бошлаб ўзи мустақил ишлай бошлайди ва дастлаб Бухоро амирининг Карманадаги саройини безашда қатнашади. Анча тажриба орттиргач, Бухоро яқинидаги амирнинг ёзги боғ-саройи, Ситораи Моҳи Хоса биносининг "Оқ зали" номли меҳмонхонаси ганч безакларини ўта моҳирлик билан бажариб, обрў-эътибори янада ошади. У хона безагида ажойиб янгилик — "Ойна пардоз"ни қўллаган ҳолда кўзгу четига ганч гул бериш анъанасига асос солади. Уста ганч билан пардоз берилган хонани шогирдларига кўрсатиб: "Ганчкорлик ўлмас ҳунар, юксак санъат. Бу санъат тезроқ камол топиб, ҳар бир уйга кириб келса, дейман. Нақш дилга ором беради, бундай шинам уйда мискинлик ва жаҳолатга ўрин қолмайди. Унда яшаган кишининг оиласи, Ватани, халқига меҳри ҳам кучли бўлади", — деган экан.



Ширин Муродов саройлар, маданий ва маъмурий бинолар қуриш билан бирга қадимий обидаларга янги ҳаёт бағишлашда, уларни сифатли таъмирлаб, асл қиёфасига келтиришда ҳам ўз маҳорати билан ном қозонди. Бухородаги Катта минора, Исмоил Сомоний мақбараси, Моҳоки Аттори масжиди, Мир Араб ва Абдулазизхон мадрасаларини сифатли, ўз ҳолига келтириб таъмирлади. Уста ёшларга устоз ва севимли мураббий ҳам эди. У ўтган асрнинг 40-йиллари бошида Самарқанд Регистонида икки йиллик мактаб очиб, бинокорликка иштиёқи баланд ёшларни ганчкорлик, кошинпазлик, наққошлик, таъмирчилик ҳунарига ўргатган. 1941-42 йилларда Тошкент қурилиш санъати мактабида, 1942-1943 йилларда Москва бадиий санъат билим юртида, 1952-57 йилларда Беньков номидаги Республика бадиий билим юртида ўқитувчилик қилиб, минглаб иқтидорли шогирдлар тайёрлади. Бугунги кунда улар орасида машҳур меъморлар, таниқли нишондор ганчкор усталар, санъат арбоблари, хизмат кўрсатган меъморлар, маданият ходимлари, Мирумар Асадов сингари Ўзбекистон Қаҳрамонлари бор.

Ширин Муродовнинг кейинги йиллардаги ижод намуналари Тошкент Куранти, Навоий номидаги адабиёт музейи, Муқимий ҳамда Навоий номли театрлар, Халқ амалий санъат музейи бинолари, маданият саройлари ва бошқа ўнлаб санъат кошоналаридаги ганч безаклар, нақшинкор сайқалларда ўз аксини топган. Бугунги кунда уста яратган ганчкорлик санъати намуналарини республикамизнинг турли шаҳарларидаги муҳташам биноларда кўриш мумкин.

Ш.Муродов умрини бахш этган ганчкорлик, ўймакорлик санъати ҳозирги замон меъморчилигини янги шакл ва мазмун билан бойитди. Ўз навбатида устанинг ўзбек меъморчилиги анъаналарини ўзида жамулжам этиб, янги давр санъатини яратиш соҳасидаги меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланиб, унга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби" унвони берилди. У Ўзбекистон Фанлар академиясининг фахрий академиги, Давлат мукофоти лауреатидир, бир неча орден ва медаллар билан тақдирланган. Шунингдек, ўзбек бинокорлиги, хусусан, ганчкорлик санъатини ривожлантиришдаги ҳиссаси ҳамда кўплаб малакали шогирдлар етиштиришдаги муносиб хизматлари учун Ширин Муродов вафотидан сўнг "Буюк хизматлари учун" ордени билан (2001) мукофотланган.

Уста Ширин Муродов 1957 йил — 78 ёшида Бухорода вафот этган. Айни пайтда пойтахтимиздаги кўчалардан бирига унинг номи берилган. Халқ устасининг бой ижодий мероси меъморшунос ва санъатшунос олимларимиз томонидан илмий ўрганилган. Ҳозирда Ш.Муродов яратган гўзал ва бетакрор нақшлар, ижод намуналари, санъат асарлари Ўзбекистон Давлат санъат музейида ҳамда Ўзбекистон Маданий ёдгорликларини асраш ва таъмирлаш институти архивида сақланмоқда.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Ҳафта давомида ўз устингизда кўпроқ ишлашингизга тўғри келади. Тез орада бу сизга қўл келиши мумкин. Шанба бироз зиддиятли кечади.

СИГИР(22.04-20.05)
Шу кунларда бошлиғингиз билан муносабатда келишмовчиликлар юзага келиши мумкин. Шу боис, арзимаган нарсага ҳам асабийлашаверманг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Ҳафта одатдагидек бошланади, бироқ ҳафтанинг иккинчи ярми қизиқарли воқеаларга бой бўлади. Дам олиш кунларини оила даврасида ўтказинг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Молиявий соҳада кўзланган мақсадга эришиш учун бу борадаги билимларингизни оширишга ҳаракат қилинг. Ҳаракатдан баракат, деган нақлни ёдда тутинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Айни кунларда саломатлигингизни мустаҳкамлаб олишга алоҳида эътибор қаратинг. Қолган муаммоларни кейинроқ ҳам ҳал қилишингиз мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Мазкур бурж вакиллари учун ҳафта ҳар соҳада омадли келади. Фақат бу имкониятдан қай даражада фойдаланиш ўзингизга боғлиқ бўлади.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Ҳафта давомида севгилингиз билан муносабатингизни тиклаб олишга ҳаракат қилинг. Яқин инсонининг дилини оғритиш ҳеч кимга фойда келтирмайли.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Ушбу ҳафта юзага келадиган вазиятлар сиздан қатъиятлироқ бўлишни талаб этади. Шахсий муаммолар сабаб ишингизга масъулиятсиз ёндашманг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Муҳим қарор қабул қилишда иккиланавермасдан, таваккал қилишга ҳам ўрганинг. Оилавий бюджетни режалаштиришда узоқни кўзлаб иш тутинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Ҳафтанинг сўнгги кунларида узоқ сафарга чиқишингиз эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун олдиндан тайёргарлик кўриб қўйганингиз маъқул.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Шу кунларда ҳаётингизда муҳим ўзгариш содир бўлади. Лекин ҳиссиётларга кўп ҳам берилаверманг. Янгиликни жиддий қабул қилишга ўрганинг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Мазкур бурж вакилларига хос бўлган қизиқконлик баъзи ҳолларда панд бериши мумкин. Жума ва шанба кунлари янги танишлар орттирасиз.

"Маҳалла" жамғармаси Бектемир тумани бўлинмаси тумандаги Абай номли маҳалла оқсоқоли **Абдусалим ҚУЛАҲМЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинлари ва оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Андижон вилояти

ТЎҚТАҒУЛда ДЎСТЛИК КЕЧАСИ

Қўрғонтепа туманида машҳур қирғиз оқини Тўқтағул номи берилган қишлоқ бор. Бу ерда ўзбеклар билан бирга қирғиз миллатига мансуб аҳоли ҳам яшаб келмоқда.

Қишлоқнинг Эшонобод маҳалласида "Шу азиз Ватан барчамизники" шиори остида форум бўлиб ўтди. Тадбирда вилоят қирғиз маданияти маркази раиси Қодиржон Маматов, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Манзурахон Эгамова, шоир Турсунбой Адашбоев, Ўш Давлат университети профессори Идрисбек Кенжаев, қизғиз шоири Ҳайдарали Убайдуллаевлар миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатлик бугунги кунда янада ривож топиб бораётганини ва бу барча муваффақиятларнинг асоси эканлигини таъкидладилар.

Тўқтағулда машғулотлар қирғиз тилида олиб бориладиган иккита ўрта мактаб ва битта иқтидорли болалар мактаб-интернати мавжуд. Форум қатнашчилари маҳалладаги 29-мактабнинг 9-синф ўқувчилари — оғир атлетика бўйича республика чемпиони, Осиё кубоги мусобақалари совриндори Манзура Мамажонова ва енгил атлетика бўйича республика чемпиони Гулшаной Сатторовалар билан учрашиб, келгусидаги мусобақаларда уларга зафар ёр бўлишини тилашди.

Кечада чиройли қилиб безатилган қирғиз ўтови ва бадиий жамоаларнинг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Узоқбой САКСОНБОЕВ, "Mahalla" мухбири.

Қашқадарё вилояти

Шўртан газ кимё мажмуи жамоаси савоб ишга қўл урди: уларнинг ҳиммати туфайли Қамаши туманидаги Меҳрибонлик уйининг барча тарбияланувчилари Туркиянинг "Пинар" халқаро болалар оромгоҳида дам оладиган бўлишди.

БОЛАЖОНЛАР ТУРКИЯда ДАМ ОЛИШАДИ

Мажмуа жамоасининг "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат дастури доирасида олиб бораётган хайрли ишлари таҳсинга сазовор. Уларнинг ҳиммати ва ташаббуси билан лицей ва коллежлар, йирик спорт мажмуалари, маданият саройлари қад ростламоқда. Бир неча йилдирки улар Қамаши туманидаги Меҳрибонлик уйига ҳомийлик қилиб келишади. Мазкур Меҳрибонлик уйининг барча шаротларга эга бўлган, янги, замонавий бинога кўчиб ўтишида ҳам жамоанинг ҳиссаси катта бўлди.

Ёзнинг дастлабки кунларида Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган тадбирларда иштирок этиб, пойтахтимизнинг Мустақиллик майдони, Темурийлар тарихи давлат музейи, Алишер Навоий номидаги Миллий боғ, Тошкент телеминораси каби диққатга сазовор жойларини томоша қилишди.

Айни вақтда эса болажонлар Туркиянинг "Пинар" халқаро оромгоҳига йўл олиш тараддудида.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ, "Mahalla" мухбири.

Топонимлар тарихини биласизми?

МУЮЛИШДА ЎТИРГАН МУЛЛА

Чотқол ва Кўксув дарёлари Бурчмулла қишлоғи ёнидан оқиб ўтган жойда бурчак ҳосил қилиб, бир-бирига туташади. Бу ҳудуднинг Шарқ томони очиқ ялангликдан иборат. У ерда девор ва бошқа муҳофаза иншоотлари қурилган.

Ривоятларга қараганда, бу ҳудудда бир илмли мулла яшаган. Йиллар ўтиши билан унинг авлодлари сафи кенгаяди ва бир қишлоқ барпо этиб, унинг номини "Бурчмулла", яъни мулла ўтирган (яшаган) бурчак (муюлиш), деб аташган экан.

Дегрезлик билан боғлиқ жой номлари юртимизда кўп учрайди. Бунга пойтахтимиздаги қадимги Дегрезлик маҳалласини ҳам мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

ДЕГРЕЗЛАР МАҲАЛЛАСИ

Одатда, чўяндан қишлоқ хўжалик ва рўзғор ашёлари, жумладан, омоч, кетмон, белкурак ясаш ва қозон қуйиш билан шуғулланадиган ҳунармандлар яшайдиган маҳалла ва қишлоқлар шундай аталган.

"ЧУВУЛДОҚ"лар ҚАЕРДА ЯШАГАН?

Бўка туманида Чувулдоқ деб аталувчи қишлоқ бор. Тошкент шаҳридаги маҳаллалардан бири ҳам шундай аталади.

"Чувулдоқ" туркий уруғлардан бирининг номи бўлиб, асли келиб чиқиш тарихи қипчоқ қабилаларига боғланади. Бу ном билан аталувчи қишлоқлар Нарпай, Чироқчи туманларида ҳам учрайди. Шунингдек, Фарғона вилоятида Чекчувулдоқ (яъни, "чувулдоқлар ери") деб аталувчи қишлоқ ва маҳалла жойлашган.

ҚОРАХИТОЙ — қабила номи...

Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида Қорахитой номли қишлоқ бўлган. Бу туркий қабилалардан бири хитой уруғининг номидир.

Тарихий маълумотларга кўра, XV асрда юртимиз заминида хитой қабилалари ҳам яшаган. Кейинчалик улар Дашти Қипчоқдаги қадимги туркий қабилаларга бирлашиб кетган. XIX аср охири XX аср бошларига келиб, хитой қабилаларининг асосий қисми Оқдарё ва Қорадарё бўйлари, Бухоро ва Кармана воҳаси, шунингдек, мамлакатимиз жанубидаги Шеробод, Шаҳрисабз ва Чироқчи туманининг айрим қишлоқларида ўрнашган. Ҳозирда мазкур ҳудудларда бу қабилалар билан боғлиқ жой номлари учрайди.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

Хоразм вилояти

ЯНГИ СПОРТ МАЖМУИ

Питнак шаҳрида болалар учун замонавий спорт мажмуи фойдаланишга топширилди.

"Туямўйинсувқурилиш" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бунёдкорлари ушбу объектда 158 миллион сўмдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини бажарди.

Халқаро андозаларга мос ёпиқ сув ҳавзаси ҳамда баскетбол, волейбол, бадиий гимнастика залларини ўз ичига олган ушбу мажмуа зарур жиҳозлар ва спорт анжомлари билан тўлиқ таъминланди. Бу ерда кичкинтойлар учун ҳам махсус сув ҳавзаси мавжуд.

Ш.ХУДОЙБЕРГАНОВ, ЎзА мухбири.

Тошкент шаҳри

Эҳтиёткорлик — шарт!

ОЛОВ МАҲВ ЭТИЛДИ, БИРОҚ...

Мисқоллаб йиққан маблағингиз эвазига қад ростлаган уйнинг бир зумда ёниб кулга айланишини кўриш нақадар аянчли... Боз устига, ушбу ёнғин айнан ўзингизнинг лоқайдлигингиз оқибатида келиб чиққан бўлса...

Нохуш воқеа жойи пойтахтимизнинг С.Раҳимов туманидаги Тошмуҳаммедова номли кўча 4-йўлак 7-хонадон эди. Бу ерга зудлик билан етиб келган ўт ўчирувчилар гуруҳи ходимлари тилсиз ёв хонадон аъзоларига жиддий жароҳат етказишининг олдини олишди. Айниқса, бу вазиятда З.Юлдашев, У.Ҳайдарбеков, Ҳ.Зиямуҳамедов каби эпчил, қатъиятли ўт ўчирувчиларнинг борлиги жабрланувчилар кўнглига бироз бўлсада таскин берди ва ниҳоят олов ўчирилди.

Икки қаватли, кўркам, бир сўз билан айтганда, данғиллама бу уй келажакда бола-бақранинг ҳузур-ҳаловатда, тинч-омон яшашини кўзлаб қурилган, албатта. Аммо озгина эътиборсизлик, масъулиятсизлик оиланинг мустаҳкам кўрғонига раҳна солди. Газ иситиш мосламасига ёғни доғлаш мақсадида қўйилган қозон хонадон бекаси Г.Исомиддинованинг ёдидан кўтарилди. Оқибатда, уйнинг каттагина қисмига шикаст етказган ёнғин келиб чиқди.

Афсуски, бу каби ҳодисалар бот-бот такрорланиб турибди. Хонадонларда ёнғиннинг олдини олишда энг мақбул чора, аввало лоқайд, бепарво бўлмасликдир. Иситиш хоналари, қозонхоналар, умуман ёнғин содир бўлиши мумкин бўлган барча жойларни назоратсиз қолдирмаслик лозим.

Яна бир мулоҳаза шуки, киши нафақат ўз уйидан, балки, қўни-қўшнилар, маҳалладошларнинг хонадонларидан ҳам хабардор бўлиши, огоҳ бўлиши лозим. Бу турли кўнгилсизликларнинг, жумладан, ёнғиннинг ҳам олдини олишга катта амалий ёрдам демакдир.

Нозимжон ХЎЖАЕВ, С.Раҳимов тумани ЁХБ бошлиғи, подполковник.

"Multilot" қўшма корхонаси "Oz lotto" лаҳзалик пул лотереяларини чиқариш ва ўтказиш тўхтатилгани ҳақида муҳлум қилади. Даъволар муддати эълон чиққан кундан бошлаб уч ой.

ЧФ "EKSPRESS AS-NACHO" переименовывается в ООО "EKSPRESS AS-NACHO". Претензии принимаются в течении месяца после опубликования объявления по тел: 117-17-13.

ТДЮИ қошидаги академик лицей томонидан 2004 йилда Одилов Музаффар Алламуродович номига берилган 011865 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 118-мактабдан 2006 йилда Туробов Отабек Ахмат ўғли номига берилган O'R-SH № 0528398 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

ЧФ "SHMAVON ARSEN" ликвидируется. Претензии принимаются в течение месяца по тел. 127-29-74.

Утерянное свидетельство о регистрации № 000605 от 27.12.2004 г., выданное С. Рахимовским хокимиятом на ООО "INTEGRA STYLE" считать не действительным.

"TEMUR SARBON" МЧЖ нинг Устав фонди 23181065 сўмдан 660000 сўмга камайтирилади.

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги "Газускунатаъминот" ёпиқ турдаги акционерлик жамияти ўз Устав фондининг 55420985 сўмдан 46816565 сўмга камайганлигини, ҳуқуқий ташкилий шакли масъулияти чекланган жамиятга ўзгарганлигини маълум қилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой муддат ичида қабул қилинади. Тел.133-41-68. (ОКПО 19013755)

"ООО "Tashvoenenergostroy" зарегистрированное в Бектемирском районе г. Ташкента ликвидируется. (ОКПО 20536576) Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, ул. Б.Нозим, 28, и. по тел. 195-42-90.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги 42-сонли умумтаълим мактаби томонидан 1990 йилда Фазлиева Манзура Садирдиновна номига берилган 287773 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Утерянный диплом № 200202 выданный в 1997 г. Ташкентским радиотехническим колледжем электроники и автоматики на имя Ткачева Дмитрия Евгеньевича считать не действительным.

Тошкент Политехника институти томонидан 1984 йил 28 июнда Шопўлатов Раббим номига берилган 823264 (рег. рақами 295-а) рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор ҳисобланади.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Мавлуда ҚОСИМОВА (масъул котиб), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган ҳолда таҳририятга келган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят бундай мақолалардан газета саҳифасида фойдаланмаганлиги учун ҳисобдор эмас.
Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.
Газета тарғиботи учун ҳажми 10 см квадратгача бўлган реклама, таъзия ва эълонлар бепул эълон қилинади.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 6 июнь 23 (573)

15768 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-520 Топширилди — 23.50
1 2 3 4 5